# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1993 йил 20 апрель
СЕШАНБА
№ 45 (5.487).
НАРХИ: ОБУНАЧИГА 3 СЎМ. СОТУВДА 5 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган


*Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг учрашуви*

## ИСЛОМ КАРИМОВ: «ОРҚАГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙЎЛИ БИТТА—МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ОЛҒА БОРИШ!»

Тасодифми, йўқми, ҳар ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг самолёти «Минск-2» аэропортига ҳаммадан кейин қўнди. Шу пайт Беларусь ҳукуматининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида Борис Ельцин, Леонид Кравчук, Нурсултон Назарбоев, ҳамдўстликдаги мустақил давлатларнинг бошқа раҳбарлари уни кутиб туришарди. Шу боисдан Ислом Каримов тушган самолёт пиллапояси ёнида журналистлар унга кетма-кет саволлар ёғдиришаётганида Беларусь Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич дам-бадам соатига қараётгани учрашув мезбонининг бирмунча бетоқат бўлаётганидан дарак берарди. Ислом Каримов эса бунга парво қилмасди. У довулдек ёғилган саволларни эшитиб, шундай жавоб қайтарди:

— Учрашувни зудлик билан ўтказишга қарор қилинди. Охир оқибатда биз қандай қарорга келишимизни равшан билмасам ҳам, шуни аниқ айта оламан: Россия Президенти Ельцинга ва парламентга ишонч билдириш юзасидан 25 апрелда ўтказиладиган референдум асосий масалага: мустақил давлатлар ҳамдўстлиги бундан буён яшайдими ёки йўқми? — деган саволга жавоб беради. Бир қанча оммавий ахборот воситалари вакилларининг гўё Ўзбекистон Республикаси МДҲда қатнашишдан бош тортади, деган гаплари — ғирт ёлғон. Биз бирлашув жараёнларини ривожлантириш учун изчил ҳаракат қилиб келяпмиз. Бу ҳаракат аввалгидек қоғозда эмас, балки амалда бўляпти. Нега десангиз, шу дамгача 270 та ҳужжат қабул қилинди. Афсуски, улардан бирортаси наф бермаяпти... Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини танлаб олган. Аммо МДҲ ҳамкорликнинг энг мақбул ва энг маданий шакли эканига ишончим комил. Ҳозирги энг муҳим вазифа — таъсирчан ҳаракат омилини ишлаб чиқиб, шу тариқа мазкур ижтимоий-сиёсий тузилмадан баъзи кимсаларнинг қулай ниқоб сифатида фойдаланишига чек қўйишдан иборат.

Ислом Каримов дарҳол бошқа давлат бошлиқлари мунтазир бўлиб турган Беларусь ҳукуматининг шаҳар ташқарисидаги «Заславль-1» қароргоҳига йўл олди.

Мўъжазгина бино ичида нима гаплар бўлгани фақат ўн нафар сиёсатчига маълум (Асқар Акаев ўрнига Минскка Қирғизистон вице-президенти келди, Сапармурод Ниёзовнинг ваколатларини эса Туркманистон парламентининг спикери бажарди). Ишончли манбалардан маълум бўлишича, МДҲ давлатлари бошлиқларининг навбатдан ташқари мажлисида раислик қилиш Ислом Каримовга таклиф этилган. У таклифни рад этди. Бу— сиёсатчининг пухта мулоҳазаси эди. Ҳар ҳолда учрашувни амалда уч раҳбар — Борис Ельцин, Нурсултон Назарбоев ва Станислав Шушкевич тайёрлашган эди. Бинобарин, мажлисда ўз мақсадларини кўзловчи арбобларни «жиловлаб» туриш Каримовнинг характерига мос келмас эди. Мажлис қатнашчиларининг кўплари аниқ кун тартибини Беларусь пойтахтига келганларидан кейингина билишган эди...

Журналистлар эса кутиб туришарди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мувофиқлаштирувчи кенгашининг биносидан улар ахборот-маданият марказига (собиқ Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий маориф биносига) бориб келиб туришарди. Ҳаммалари нималар бўлаётганини билолмай ҳайрон эди. Ниҳоят, МДҲ мувофиқлаштирувчиси маҳкамасидан аниқ ахборот олинди, иш жадвали бузилишига қарамай, давлат бошлиқлари мажлисхонага келишлари маълум бўлди. Одатдагидек суратга олиш учун уч дақиқа вақт берилди, шундан кейин ҳаммани журналистлар билан суҳбат бўладиган бинога боришга ўтиниб таклиф қилишди.

Давлат бошлиқлари ҳузурида эса Борис Ельцин баёнот берди. Бу баёнот Москва газеталарида тўла эълон қилинади. Бу ўринда унинг айрим қисмларинигина баён этмоқчимиз. Ажралиш жараёнлари даври ўтиб кетганига Россия Президентининг ишончи комил. Бузилган алоқаларни қайтадан тиклаш зарур. Миллатлараро жанжалларни тўхтатиш, ҳамдўстлик фуқаролари бемалол маданиятли ҳаёт кечиришлари учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш муҳимдир. Бунинг учун Россия бир қанча дастурлар мажмуини таклиф қилди.

Шундан кейин қора «ЗИЛ» ва «Чайка» машиналари карвони дарҳол маданият-ахборот маркази биносига етиб келди...

— Бир неча кун муқаддам ҳамдўстлигимиз давлат бошлиқларининг навбатдан ташқари учрашуви бўлишини бир неча кишигина билар эди. — Минск кенгашини бошқарган Нурсултон Назарбоев тайёр матнни ўқий бошлади. — Шундай бўлиши мантиқийдир. Аввалги ҳамма учрашувларда кўп-кўп ҳужжатлар қабул қилинди-ю, аммо улар қоғозда қолиб кетди. Шу сабабли МДҲ давлат бошлиқларининг бу галги учрашуви муҳокамасига: «Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини янада мустаҳкамлаш тўғрисида» деган фақат битта сиёсий масала қўйилди. Бу масала зудлик билан ҳал этишни тақозо қилади.

Сўнгра Қозоғистон Президенти ажралиш жараёнлари кучайиб бораётгани ҳақида гапирди, собиқ Иттифоқнинг энди мустақил бўлиб қолган давлатлари ўртасида яқинроқ ҳамкорлик зарурлигини айтди. Россияда кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршилик, қонуний сайланган Президентни четлаштиришга интилишлар оқибати нима билан тугашини олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеаларга сабаб бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг оқибатида, ниҳоят, аниқ бир шаклга кирган МДҲнинг умри тугаб қолиши мумкин.

— Буни англаш учун яна қанча одамлар қурбон бўлиши ва қанча азоб-уқубат чекилиши керак, — деди Қозоғистон Президенти. — Сирасини айтганда, МДҲнинг келажаги сиёсий масала эмас, балки умумбашарий масаладир! Шуларни назарда тутиб Қозоғистон ҳарбий стратегик, иқтисодий масалаларга таааллукли таклифларнинг бутун бир мажмуини давлат бошлиқлари муҳокамасига тақдим этишга тайёр.

(Давоми 2-бетда).



Қўриқ Бўз тумани меҳнаткашлари дон учун маккажўхори экишни қизғин олиб бормоқдалар. Айниқса, бу муҳим ишга М. Жалолов номли ширкат уюшма хўжалигида пухта ҳозирлик билан киришилди. Экиш техникаси олдиндан сифатли таъмирланиб, етарли миқдорда уруғлик тайёрланди.

Мавжуд майдонлар ижарачи-ширкатчиларга бўлиб берилган. Абдусаид Худоёров етакчи бўлган 7-бригада маккажўхорикорлари биринчилардан бўлиб 15 гектар ерга уруғ қадаб бўлишди.

**СУРАТЛАРДА:** 1. ижарачи Абдусаид Худоёров (чапдан ўнгга), М. Жалолов номли ширкат уюшма хўжалиги директори Алибек Ҳотамов ва агроном Юсуфжон Масалимовлар экиш сифати ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар. 2. Ижарачилар даласида экиш пайти.

Ш. ОЛИМОВ олган суратлар (ЎзА).



## ПУДРАТЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Янгийўл районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги заршунослари сўнгги йилларда илғорлар тажрибаси ҳамда ички имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган усуллари амалиётга кенг жорий этилмоқда. Жамоа бошқаруви Президент фармонларини изчил амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирларни белгилаган. Меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш асосий диққат эътиборда. Заршунослар, соҳибкорлар қўли энди росмана пул кўраяпти. Томорқаларда турли неъматлар етиштирилаётганлиги, фермерлик ҳаракати бозор муаммоларини енгишда муҳим омил бўлмоқда.

Колхоз пахтакорлари бултур 607 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қарийб 27,5 центнердан оқ олтин йиғиштиришган эди. Уларнинг бу йилги нияти ана шу кўрсаткични 28 центнерга етказиш. Эзгу мақсад йўлида барча ғайрат-шижоат кўрсатмоқда. Бу ерда 11 та пахтачилик бригадаси бор. Улар ғанимат кунлар қадрига етиб муҳим агротехник тадбир—чигит экишни намунали олиб боришмоқда. Асосий майдонларга «С-6524» уруғлик экилмоқда. Шу билан бирга гектарига 100 килограммдан аммофос солинаяпти. Меҳнат беллашувида Абдураҳмон Умрзоқов, Содиқ Танабоев, Бўронбой Қўшқоров, Сафарали Ҳайдаров каби механизаторлар пешқадамлик қилишмоқда. Улар кунлик меъёрни бир ярим ҳисса адо этишмоқда.

— Далада ишлаётганларга барча қулайликлар яратилган, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Исанби Эралиев. — Бахтимизга бу йил ҳар ҳолда об-ҳаво яхши келди. Тайёргарлик ҳар томонлама пухта бўлганлиги сабабли экиш тез ва соз ўтказиляпти.

Деҳқонларнинг таъкидлашларича, пудрат меҳнат унумдорлигини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлашда катта ёрдам бераяпти. Миришкорлар ерларни маҳаллий ўғитга тўйинтирдилар. Аҳмадали Алижонов, Неъмат Исроилов, Давлат Усмонов, Маматқул Абдураимов, Нурмахан Усмонов етакчилик қилаётган бригадаларда ҳар қарич замин эъзозланмоқда. Шийпонлар гавжумлашиб қолди. Далада ишлаётганларга хўжалик ҳисобидан иссиқ овқат, чой тайёрланмоқда. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда.

Барча хўжаликларда бўлгани каби мазкур колхозда ҳам ишнинг оғирини елкасига олиб фидойилик кўрсатаётган заршунослар бор. Абдураҳмон Умрзоқов сўз ва шахсий ибрати билан барчани олға ундамоқда. Уста пахтакорлар ҳузурида бўлганимизда район ҳокими А. Юсупов бошчилигидаги ҳокимлик аъзолари ҳам миришкорлар ҳузурига келишган экан. Улар меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароит, чигит экишнинг бориши билан атрофлича қизиқишди. Айрим муаммоларни ҳал этиш йўл-йўриқлари белгиланди. Айни пайтда хўжалик раҳбар ва мутахассисларига йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришди. Уюшқоқлик туфайли аксарият бригадаларда иш кўнгилдагидай кетаяпти. Азамат деҳқонлар чигит экишни қисқа муддатларда тамомлашга азму қарор қилишган.

**Э. ТЎЛАГАНОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

## НАВБАТ ПАРВАРИШГА

**Жиззах вилоятидаги Ўктам Ғаффоров бошчилик қилаётган «Пахтакор» ширкати нафақат Саркисов номли совхозда, балки Дўстлик районида ҳам пешқадамлар сафида тилга олинади. Сурункасига ҳосилдорликни кўтариш марду майдонларнинг иши. Жамоада ўтган йили ҳам мўл ҳосил кўтарилди. Бунинг эвазига пахтакорлар бир миллион сўмдан зиёд мукофот пули олишга муваффақ бўлишди. Султон Норбеков, Қўчқор Одилов раҳбарлик қилаётган онлавий звеноларда 180—200 минг сўм мукофот пули тарқатилди.**

**Ширкат деҳқонлари орзиқиб кутган дамлар келди. Аҳил коллективнинг кўз илғамас кенг далалари серфайз ва тароватли бўлиб қолди. Ҳароратнинг кўтарилаётгани деҳқонларни далага чорлаб, кўкламги юмушларни барвақт бошлаб юборишни таъминлади.**

**Совхозда биринчилардан бўлиб сеялкаларни далага олиб кириб, яхши ниятларда ерга уруғ ташлаётган миришкорларнинг шашти баланд.**

**Ширкатнинг Султон Норбеков бошлиқ звено жамоаси барака уруғи қадашни уч иш кунида тугаллашганди. Жорий йилда 35 центнерлик марранн эгаллаш учун курашаётган бу миришкор даласида чигит униб чиқа бошлади.**

**Биз Саркисов номли совхознинг «Пахтакор» ширкати далаларида бўлиб, баҳорги юмушлар кўнгилдагидек бажарилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. 450 гектар майдоннинг асосий қисмига чигит экиб чиқилди. Бу ерда 1350 тонна оқ олтин хирмони бунёд этиш мажбурияти қабул қилинган.**

Т. СОЙНАЗАРОВ.



## ХОТИРАМИЗДА АБАДИЙ ҚОЛАДИ

Яқиндагина Ватанимизга дўстона ташриф буюрган Туркия жумҳурияти Президенти Турғут Ўзол энди орамизда йўқ. Жаҳоннинг турли оммавий ахборот воситалари 66 ёшида унинг юраги уришдан тўхтаганини маълум қилди. Мамлакатимиз халқи бу совуқ хабарни чуқур қайғу билан кутиб олди. Зеро, унинг самимий табассумли қиёфаси ҳали кўз ўнгимиздан кетмаганди. Ота юртни, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий ҳокини зиёрат этаётганида ҳеч ким бу унинг мамлакатимизга сўнгги сафари эканини билмас эди. Бироқ, минг афсуски, бу қайғули хабар рост бўлиб чиқди.

19 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика Олий Кенгаши Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов ҳамда ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев Туркиянинг буюк фарзанди, машҳур давлат ва сиёсат арбоби, Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзолнинг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириш учун Туркиянинг мамлакатимиздаги элчихонасига келдилар.

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари марҳум хотирасига ҳурмат бажо этдилар. Сўнгра Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбарияти ва мамлакатимиз халқи номидан таъзия дафтарига ушбу сўзларни ёзиб қолдирди:

«Туркиянинг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистоннинг қадрдон дўсти, Туркия жумҳуриятининг Президенти Турғут Ўзолнинг бевақт вафоти тўғрисидаги хабар бутун дунёни ларзага солди.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги биродарона алоқаларнинг қайтадан тикланиши Турғут Ўзолнинг бетиним фаолияти билан кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Айниқса, ушбу беқиёс инсон билан Тошкентда кечагина бўлиб ўтган учрашувлар давомидаги унинг юрак ва қўл ҳароратининг тафти ҳали унутилмаган бир пайтда бу даҳшатни ҳис этиш нақадар оғир!

Ўзбекистон ҳукумати ва халқи Туркия ва Ўзбекистондаги унинг сафдошлари Турғут Ўзолнинг ишларини муносиб равишда давом эттиришларига ишонадилар.

Биродаримиз Турғут Ўзол жаноби олийларининг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий қолади».

**СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов элчихонада таъзия дафтарига ўз ҳамдардлигини билдирмоқда.**

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат. (ЎзА).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
### Ғ. М. РАФИҚОВНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фуқаро авиациясини ривожлантиришда кўп йил самарали меҳнат қилгани ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори Ғаний Мазитович Рафиқовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 19 апрель.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
### А. Х. ТОШКЕНБОЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93(12-банди) 102-моддаларига мувофиқ Алишер Холмуродович Тошкенбоев Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 15 апрель.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
### Э. ТУРСУНОВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Эркин Турсунов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Жиззах вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 15 апрель.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЧОРВА, СУТ, КАРТОШКА, МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН ХАРИД НАРХЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА АЙРИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Сотиб олинаётган моддий-техника ва ёқилғи-энергетика ресурсларига қишлоқ хўжалигининг харажатлари ортиб бораётганлиги муносабати билан ҳамда овқатбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларини, ижара, фермер ва бошқа хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1993 йилнинг 20 апрелидан бошлаб чорва ва сутнинг чегараланган харид нархларини 1-иловага мувофиқ, картошка ва мева-сабзавот маҳсулотлари асосий турларининг чегараланган харид нархларини 2-иловага мувофиқ ошириш ҳамда қуруқ мева ва майизнинг харид нархларини шартномавий (эркин) нархлар тоифасига ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган таклифи қабул қилинсин.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 21 январда 23-сон қарори билан тасдиқлаган тартиби асосан сақлаб қолинсин.

1993 йил 20 апрелдан бошлаб корхоналар, хўжаликлар, тайёрлов ташкилотлари, кооперативлар, деҳқон (фермер) хўжаликлари, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари ва фуқаролар учун республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан олинадиган бож миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қуруқ меванинг харид нархларини ўзгартириш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 14 апрелда қабул қилган 188-сон қарор 3-хатбоши 2-бандининг амал қилиши сақлаб қолинсин. Бунда ҳукуматлараро битимлар ва тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари бўйича республикадан ташқарига мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берувчи корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар бож тўлашдан озод қилиниши белгиланган.

3. 1993 йил 20 апрелдан бошлаб айрим озиқ-овқат моллари чегараланган чакана нархларининг янги даражаси 4-иловага мувофиқ белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги:

Ушбу қарорга берилган иловаларга мувофиқ янги харид нархлари ва чакана нархлар, шунингдек, қайтадан баҳолаш тўғрисидаги кўрсатмалар манфаатдор вазирликларга, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ўз вақтида етказилишини таъминласин;

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси билан биргаликда чорва ва сутнинг ушбу қарорда белгиланган янги чегараланган харид нархлари асосида чегараланган чакана нархларда сотиладиган гўшт, қаймоғи олинмаган сут ва болалар овқатининг улгуржи нархларини бир ҳафта муддат ичида қайта кўриб чиқсин.

5. Барча мулкчилик шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар ушбу қарорнинг 4-иловасидаги рўйхат бўйича маҳсулотнинг қолдиқларини 1993 йил 20 апрелгача бўлган ҳолатига кўра қайтадан баҳолаб, қўшимча нархлар суммасини тенг улушларда бюджетдан ташқари 746-ҳисоб рақамига ва ўзларининг муомаладаги маблағларини тўлдиришга ўтказсинлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 январдаги 34-сон қарори, 1992 йил 3 августдаги 358-қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 февралдаги 62-сон қарорига берилган иловадаги гўшт чакана нархларининг чегараланган миқдорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 16 октябрдаги 475-сон қарори 1-иловасидаги макарон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва қаймоғи олинмаган сут чакана нархларининг чегараланган миқдорлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 17 апрель

(Вазирлар Маҳкамаси қарорига иловалар газетанинг учинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

**Қайта ишлаш саноати**

# «ЗАРАФШОН» БЕЛГИСИ БИЛАН

1892 йили Москвадаги кўргазмада одатдан ташқари бир ҳол юз берганди. Аниқроғи тозалиги ва ўзига хослиги билан муносиб ўринлардан бирини эгаллаган маҳсулотлар Самарқанддан борган эди. Ўшандан то 1985 йилгача узлуксиз ишлаб, иқтисодиётда муҳим ўрин тутиб келган Самарқанд шаҳридаги «Зарафшон» номли шарбатлар ва ичимликлар ишлаб чиқариш корхонаси маълум-у машҳур бўлди. Фақатгина, ачинарли томони шунда эдики, ичимликларнинг номи ва ёрлиқлари Московдан тасдиқланарди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ўзбек тупроғида етиштирилган хом ашёдан тайёрланган спиртли ичимликлар русча ном билан олам кезарди. 1985 йили собиқ шўро ҳукуматининг ичкиликбозликка қарши кураш ҳақидаги қароридан сўнг бу корхонадаги спирт тармоғи ёпиб қўйилди. Шу тариқа Олмониядан келтирилган ускуналар яроқсиз ҳолга келди. Дорихоналарда, шифохоналарда, муҳим аҳамиятга эга бўлган спирт камайди.

Орадан йиллар ўтди. Мана, бугунги кунда Ватанимиз мустақил ҳаёт кечирмоқда. Барча жабҳаларда эркинлик шамоли эсмоқда. Эндиликда ҳамма муаммолар жойида ҳал этилмоқда, чораси топилмоқда. Яқинда биз «Зарафшон» корхонасига бориб, кейинги йилларда амалга оширилган ишлар билан танишдик. Корхона раҳбари Ўлмас Жабборов билан суҳбатлашдик.

— Аввало, шуни айтиш лозимки, спирт тармоғи 1985 йилда ёпиб қўйилди. Аслида корхона арoқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳамда Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятидаги шифохоналар, дорихоналарни спирт билан таъминларди. Тармоқ ёпилгач, асосий хом ашёни Россиядан ола бошладик. Бундан ташқари корхонадаги тармоқлар бузилиб, банкалик шарбат ва ичимликлар ишлаб чиқаришга мослаштирила бошлади. Иш жараёнига, мутахассислар кайфиятига путур етди. Мана ниҳоят, республикамиз мустақил бўлгач, ишларимиз жонланмоқда. Россиядан спирт келмай қўйди. Биз эса қараб турганимиз йўқ. Мисгарларни, мутахассисларни жалб этиб, янги линиялар сотиб олмасдан баъзи эски тармоқларни ҳашар йўли билан тикладик. Натижада ишчиларнинг кайфияти яна кўтарилди. Маош кўпайди. Спирт ишлаб чиқариш туфайли ортиқча сарф-харажатлар камайди. Тўхтовсиз ишлаётган спирт ишлаб чиқариш тармоғи корхона эҳтиёжини 60—70 фоиз қоплаяпти. Яқинда яна чет элдан ускуна олмасдан спирт тармоғини кенгайтириш, қувватини оширишни режалаштиряпмиз. Яъни йирик идишлар, асбобларни мутахассислар, мисгарлар ясайди. Ахир олиб келиниши, ўрнатилиши қимматга тушадиган ускунадан кўра ўз мутахассисларимиз ўшандай ускуналарни ясаса яхши эмасми? Бу бир томондан корхона иқтисодига салбий таъсир кўрсатмайди. Қолаверса, ишчиларнинг тажрибаси ортишида муҳим ўрин тутади. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Чет элдан спирт олиб келишга ҳожат қолмайди. Бундан ташқари илгари сафдан чиқарилган қурилмаю ускуналарни ҳам қайта таъмирлаб фойдаланаяпмиз. Асосий муаммолардан бири шишаларга қопқоқлар топиш мушкул бўляпти. Бартер усулида Московдаги металлпласстмасса ишлаб чиқариш бирлашмаси, Михайлов номли рангли металл корхоналаридан олиняпти. Қопқоқлар ичига жойлаштириладиган қоғоз-елим қопламани Санкт-Петербургдан келтираяпмиз. Шишаларни эса Қувасойдаги корхона тайёрлаб беради. Корхонамизда ишлаб чиқариш жараёнида бир қанча шиша синиб кетади. Бу синиқларни илгари ахлатга ташлардик. Эндиликда кичик корхона очдик. Унда ана шу синиқлар эритилиб, қайта шакл берилади ва гулдон, кулдон, шакар солгич ҳамда қадаҳлар ишлаб чиқарилаяпти. Биргина шу кичик корхона ойига 150—200 минг сўм даромад келтирмоқда.

— Ватанимиз жаҳонга юз очмоқда, «Зарафшон» ҳам чет эллар билан эмин-эркин алоқада бўлаётган бўлса керак? — Ўлмас акага савол бердик.

— Ўтган йилларда қисман шиша идишларни Польшадан олдик. Лекин, ўзингда йўқ, оламда йўқ деган гап бор. Шунинг учун ҳам австриялик шериклар билан аҳдлашдикки, улар бу ерда пластмассадан тайёрланган ўта чидамли, тиниқ шишасимон кўринишли идишлар ишлаб чиқарадиган тармоқ бунёд этишади. Эвазига ўша тармоқдаги маҳсулотнинг 40 фоизини сотиб беришади. Шунингдек Амриқонинг АРМ кампанияси билан ускуналар олишга келишганмиз. Ҳозир уларга 12 минг диколитр арoқ юборилди. Бизга эса спирт ишлаб чиқаришни икки марта оширувчи ҳамда қуйиш ускуналари беришади. Вақтинча Голландиядан спирт оляпмиз. Аммо тез орада Ўзбекистон ўз спирти билан жаҳон бозорига чиқса ажабмас. Чунки Жомбойда шу корхонанинг тамоман янги ускуналар билан жиҳозланган бош биноси қурилади. У ерда жуда кўп нарсалар ҳисобга олинади. Мисол учун шишаларга бурама қопқоқ ва ҳаказолар.

— Ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш қандай?

— Ҳа, ҳозиргина шу ҳақда ҳам батафсил ҳикоя қилмоқчи эдим. Корхонада 200 кишилик қадимий услубдаги ошхона қуриляпти. Бу ерда овқатланиш бепул бўлади. Ҳозирча нарх-навонинг ошишига қараб тушлик овқат пули берилаяпти. Ишчиларнинг маоши бу йилдан бошлаб 12 минг сўмга етди. Шунингдек уларга 1992 йил кузида оиласида қишлик учун сабзавот ва мевалар ғамлаб олишлари учун ҳар бир ишчига минг сўмдан маблағ ажратдик. Тўй-маъракаларда ойлик маошга баробар миқдорда ёрдам пули бериш жорий қилинган. Бундан ташқари ёғоч-тахта, цемент, темир буюмлари, гуруч, ёғ, картошка, сабзавотларни арзон нархда сотяпмиз. Ёрдамчи хўжаликда боқилаётган 80 бош қорамол, 200 бош чўчқа, 80 қути асалари уясидан олинаётган маҳсулотлар узлуксиз ишчиларга арзон баҳода етказиб берилмоқда. Ҳар куни эрталаб сут бепул тарқатилади. 2 гектар боғимиз ҳам бор. Мева-чевалардан нафақат ишчиларни, балки уларнинг кичкинтойлари тарбияланаётган боғчани, Сиёб районига қарашли 3-сон мактабни ҳам таъминлаяпмиз. Корхонага қарашли боғчада 180 нафар бола тарбияланади. Уларнинг кийим-боши-ю, барча сарф-ҳаражатлари корхона зиммасида. Республикамиз мустақилликка чиққанлигига бир йил тўлиши муносабати билан меҳнаткашларга 2 минг сўмдан мукофот берилганди. Қолаверса Омонкўтондаги болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳида ишчиларнинг фарзандлари бепул хордиқ олиб қайтишади. Хуллас, ижтимоий ҳимоя борасидаги ишларни бу билан чеклаш қийин. Негаки корхонада меҳнат қилиб, нафақага чиққан кексалар, онахонлар, кам таъминланган оилалар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Энг муҳими эса Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Маҳалла» жамғармаси ташкил этилиши тарихий қарор бўлди. Корхона аҳли ҳам буни қизғин қўллаб-қувватлаб шу жамғармага 1 миллион сўм пул ўтказди. Жаҳонга довруғ солган темурийлар авлодининг кўзгуларидан бири, машҳур «Зижи Кўрагоний» асари муаллифи, аллома Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги шарафига таъмирланаётган Улуғбек расадхонаси ҳисобига 10 миллион сўм, Регистон мадрасалар мажмуини қайта тиклаш учун 1 миллион сўм маблағ ўтказишга қарор қилинди. Қолаверса, бу йилги Наврўз байрами ҳамда Рамазон ҳайити айёми муносабати билан ишчиларга ойлик маош миқдорида мукофот берилди.

— Маҳсулотларнинг ёрлиқлари ўзбекона тусга кираётган бўлса керак?

— Шубҳасиз. Бугунги кунда «Ўзбекистон», «Самарқанд», «Сумбула» каби бир қатор ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. «Зарафшон» ҳамда «Шердор» номли спиртли ичимликларни ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ичимликлар жаҳон кўргазмаларига қўйилади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, арoқ ишлаб чиқариш 1993 йилда 1992 йилдагига қараганда камаймоқда. Бу менимча халқимизнинг миллий анъаналарга, урф-одатларга қайтаётганлиги туфайлидир. Шунинг учун ҳам дорихоналарга, шифохоналарга етарли миқдорда спирт юборилмоқда ҳамда маҳсулотлар асосан чет элга экспорт қилиниши мўлжалланаяпти.

Бир сўз билан айтганда муаммолар аста-секин барҳам топмоқда. Тинчлик-осойишталик бўлиб турса, ҳаётимиз фаровон бўлишига аминман. Чунки, Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсат, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Корхонадан қайтар эканмиз, дарвоза олдида турна-қатор тизилиб, қайта ишланган буғдой ҳалимини (барда) жамоа ва давлат хўжаликлари фермаларига ташиётган тракторларни бир зум кузатдик. Биз шу пайтгача фақатгина спирт ишлаб чиқаришга мўлжалланган деб ўйлайдиган корхонада углекислогази ҳам ишлаб чиқарилади. Ундан газли сув тайёрлашда фойдаланилади. Демак ҳамма нарсанинг ҳам салбий томони бўлганидек, ижобий жиҳати ҳам бор. Спиртли ичимликнинг зарарли эканлигини одамлар Туркия, Саудия Арабистонидаги каби онгли равишда англасаларгина бундай маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжи камаяди. Қолаверса, корхона фаолияти ўзига хос даромад манбаи ҳамдир.

**Тўлқин ЁРҚУЛОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

**Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати кўп жиҳатдан лаборатория фаолиятига боғлиқ. Бу ерда хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқа қўшилмалар сифати доимий равишда назоратдан ўтказиб турилиши зарур. Людмила Кузнецова етакчилигидаги лаборатория ходимлари ўз зиммаларидаги вазифаларни сидқидил адо этмоқдалар.**

**СУРАТДА: корхона директори Ўлмас Жабборов ва лаборатория бошлиғи Людмила Кузнецова олинган намуналарни кўздан кечиришмоқда.**





# ЭЗГУЛИК — УМР БЕЗАГИ

Карнай-сурнай садолари республика пойтахтининг Ҳамза районидаги «Умид» маҳалласи аҳлини 153-мактаб ҳовлисига йиғди. У ерда катта шодиёна бўлиб ўтди. Маҳалладошларнинг бу йилги баҳор кайфиятлари ғоят кўтаринки. Улар барча қатори Наврўзда ўзгача меҳр, ўзгача фидойилик кўрсатишди. Ариқлар тозаланиб, мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Маҳалла кўчалари ободонлашди, хонадонларга файз кирди. Бунда маҳалла фаоллари Матмурод Матқурбонов, Ислом Собиров ҳамда хотин-қизлардан Дилбар Мадраҳимова, Омоной Ғаниева, Мапират Дадабоева, Дилором Узоқова, Бивижон Искандарова, Ҳасан, Фарида, Ҳалима Шаҳобиддиноваларнинг хизматлари катта бўлди.

Кўнгли яримлар ҳолидан хабар олиш, кайфиятини кўтаришдан савоблироқ иш бўлмаса керак. «Умид» маҳалласида ҳам бу удум асосий мақсадга айланди. Маҳалла қўмитаси раиси Жуманиёз Собиров, фаоллар қаровчиси йўқлар, ногиронлар хонадонларига ташриф буюришиб, Замира Амирқулова, Азиза Шотемирова ва бошқаларга маҳалла жамғармасидан ажратилган маблағни топширдилар.

Мактаб катта саҳнасидан таралаётган куй-қўшиқларни хушовоз хонандалар Отажон Воисов, Матсафо Матёқубов, Отажон Ражабовлар зўр маҳорат билан ижро этишди. Тантанадан «умид»ликлар қувончи чексиз эди.

Маҳалла хотин-қизлари тайёрлаган сумалак байрам дастурхонига қўйилди. Маҳалихон ошпаз дамлаган кўлинг ўргилсин ошдан меҳмону мезбонлар лаззатланиб тановвул қилдилар. Кўклам таомлари — кўк чучвара, кўк сомса, ялпиз сомса, кўк ош, кўкли нон, патир, ёғли атала дастурхонни безади.

Мактаб ҳовлисига директор Пардавой Турдиев бошчилигида маҳалла оқсоқоллари ва меҳмонлар яхши ниятлар билан кўчат ўтқазишди.

— Ҳозирги гўзал палла — табиатнинг бетакрор манзараларини, одамларнинг орзу-истаклари ва изтиробларини ҳис этиш, тинглай билиш ва англаш фаслидир, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Жуманиёз Собиров. — Бир сўз билан айтганда, табиат байрами, борлиқнинг янгиланиши, яшариш ва одамларни меҳрли бўлишга, ризқ-рўз яратишга ундовчи эзгулик айёмидир. Айни чоғда маҳалламизда 18 миллат вакиллари ва беш мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Маҳалланинг 19 та кўчаси бор. Унда республиканинг деярлик барча вилоятларидан кўчиб келган оилалар истиқомат қилмоқдалар. Илгари ўнқир-чўнқир бўлган кўчалар эндиликда теп-текис қилиб асфальтланган. Бир пайтлар чироқсиз қоронғу кўчаю йўлаклар электр чироқлари билан ёритилган. Хонадонлар табиий газ билан иситилмоқда. Маҳалладошларга кенг имкониятлар яратиш умидида меҳнат қилмоқдамиз. Энг асосийси ҳамжиҳатлик. Аҳиллик бор жойда иш унуми ҳам, ривожланиш даражаси ҳам серунум бўлади.

**Ғулом ПРИМОВ.**

* * *

**СУРАТДА: «Умид» маҳалласи қўмитаси раиси Ж. Собиров хотин-қизлар кенгаши фаоллари билан навбатдаги тадбирлар хусусида маслаҳатлашмоқда.**

## ОБ-ҲАВО

**21—24 апрель давомида ҳаво беқарор бўлади. Вақти-вақти билан жала қуйиб, момақалдироқ гулдирайди. Баъзи районларда ғарбдан эсаётган шамол кучайиб секундига 20—25 метрга етади. Қолган кунлари ёғингарчилик бўлмайди.**

**Ҳафтанинг биринчи ярмида ҳарорат кечаси 11—16, кундузи 23—28 даража иссиқ. Ҳафтанинг иккинчи ярмида шимоли-ғарб томондан совуқ ҳаво кириб келиши муносабати билан тунда ҳарорат 3—8 даражага, кундузи 13—18 даражагача пасаяди.**

Л. ЭМ,
об-ҳавошунос.

# ИЖАРА—МАҚБУЛ УСУЛ

Бозор иқтисодиёти ҳаётимизга кўп ўзгаришлар киритмоқда. Хусусийлаштириш ана шулардан бири. Бу ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш йўлидаги илк қадам ҳисобланади. Хусусийлаштириш ҳақида одамларнинг фикри қандай?

Чиноз районидаги Гулзоробод (аввалги Карл Маркс) жамоа хўжалиги бош агрономи Тошболта Бобоқулов шундай дейди:

— Шу йилнинг ўзида фермерликка даъвогар 12 кишидан ариза тушди. Ҳозирча бир нечта фермер хўжалиги очилган. Абдуҳаким Абдукаримов фермерлардан бири. Унда 10 гектар ер бор. Ўтган йили жамоа хўжалигидан 2—3 центнер кўпроқ пахта, полиз маҳсулотлари етиштирди. Унга ер 10 йилга ижарага берилган. Мен ернинг ана шундай маълум бир муддатга ижарага берилиши тарафдориман. Тўғри, ҳаммом ёки сартарошхонани хусусийлаштириш мумкин. Лекин жамоа хўжалигини ўйлаб кўриш керак. Негаки, олайлик 4-бригада ерлари пайкалларнинг охирида. У ерга тақсимот бўйича бошқа бригадалардан кейин сув берилади. Хусусийлашадиган бўлса, қўшнисидан қолишни хоҳламаганлар сувга талашса, Оби-ҳаёт эса танқис. Қолаверса, техника етишмайди. Жамоа хўжалигида 13 та бригада мавжуд. Уларда 700 дан ортиқ колхозчи меҳнат қилади. Демак, сувга 700 та «қулоқ» очилади. Турган гапки, жанжал чиқади. Шунинг учун хусусийлаштиришда ҳеч шошилмаслик лозим.

Бригада бошлиғи Вагиз Илёсовнинг ҳам фикри шундай: — Бригада пудрати ва звенога ўтиб ишлаш усули ҳам яхши-ку. Нега дейсизми? Биринчидан, ишлаган тишлайди. Иккинчидан, ҳаражатлар кескин камаяди. Минерал ўғитлар ўрнига маданий ўғитлар ишлатилади. Камина аввал бригада пудратида ишлаганман. Ҳосилдорлик 26 центнердан 34 центнерга кўпайди. Ишчиларнинг даромади ошди. Хулласи калом энг асосий масала бозорни молларга тўлдириш экан сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмай мақсадга эришиш керак. Қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказишни тезлаштириш лозим. Шунингдек, маҳсулотни даладан олиб кетувчи ташкилот тузилсаю, деҳқонлар ташвишлардан фориғ бўлишса, деган умиддаман.

Дарҳақиқат, Тошболта аканинг гапларида жон бор. Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, деҳқонлар кўкрагига шамол тегди. Улар республика Президенти Ислом Каримов фармонлари билан ер олишга, томорқа хўжалиги учун қатор ёрдамлар кўрсатилишига эришдилар. Эндиликда бозорларни, дўконларни молга тўлдириш, халқни янада фаровон қилиш йўллари қидирилмоқда. Жойларда, туманларда ерларни хусусийлаштириш борасида аксарият деҳқонларнинг фикри бир хил. Звено, бригада пудрати ёки ижара. Энг муҳими эса қайта ишлашни ўша жойларнинг ўзида ташкил этиш, кичик, қўшма корхоналар қуришдир.

**Т. ИБРОҲИМОВ.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

### ЧОРВА (тирик вазнда) ВА СУТ ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

| | ҳар тоннаси учун сўмда (ўрта ҳисобда) |
|---|---|
| Қорамол, йилқи ва туялар | 196800 |
| чўчқалар | 247800 |
| қўй ва эчкилар | 162800 |
| ёғлилиги 3,6 фоиз бўлган сут | 25000 |

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

### КАРТОШКА ВА МЕВА-САБЗАВОТ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН ХАРИД НАРХЛАРИ

| маҳсулот номи | нархнинг амал қилиш даври *) | | ҳар тоннаси учун сўмда |
|---|---|---|---|
| картошка | 21 майдан | 10 июлгача | 18000 |
| | 11 июлдан | йил охиригача | 15000 |
| бошпиёз | 21 июлдан | йил охиригача | 7000 |
| карам | 21 июлдан | йил охиригача | 6000 |
| пояси кесилган янги сабзи | 21 июлдан | 30 сентябргача | 8000 |
| | 1 октябрдан | йил охиригача | 7000 |
| янги узилган қизил помидор | 16 июндан | 20 июлгача | 7000 |
| | 21 июлдан | 30 сентябргача | 6000 |
| | 1 октябрдан | йил охиригача | 9000 |
| саноатда қайта ишлаш учун янги узилган қизил помидор | 16 июндан | йил охиригача | 5000 |
| олма | | йил давомида | 25000 |

ЭСЛАТМА: *) — йилнинг қолган даврларида шартномавий (эркин) харид нархлари белгиланади.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА

### РЕСПУБЛИКАДАН ЧЕТГА ЧИҚАРИЛАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИГА СОЛИНАДИГАН БОЖ МИҚДОРЛАРИ

| | давлат божи миқдорлари (сўм) (тн) | | | |
|---|---|---|---|---|
| | январь-апрель | май-июнь | июль-сентябрь | октябрь-декабрь |
| картошка | — | 7200 | 3000 | — |
| бошпиёз | 3500 | 3200 | 1400 | 2100 |
| карам | 5000 | 3200 | 1200 | 1800 |
| сабзи | 3500 | 3200 | 1600 | 2100 |
| қизил ва қўнғир-ранг помидор | 100000 | 40000 | 1400 | 2700 |
| янги узилган бодринг | 75000 | 16000 | 2400 | 4500 |
| булғор қалампири | — | 12000 | 3000 | 6000 |
| бақлажон | — | 8000 | 2000 | 2400 |
| шолғом ва турп | 5000 | 4000 | 2000 | 3000 |
| қовун | 4000 | — | 2000 | 2400 |
| тарвуз | 3000 | — | 1400 | 1800 |
| олма | 20000 | 20000 | 5000 | 7500 |
| нок | 25000 | 24000 | 6000 | 9000 |
| беҳи | 10000 | — | 4000 | 6000 |
| шафтоли ва ўрик | — | 12000 | 4000 | 6000 |
| олхўри | — | — | 4000 | 6000 |
| олча ва тоғолча | — | — | 6000 | 9000 |
| анор | 20000 | 16000 | 6000 | 12000 |
| узум | 20000 | 20000 | 6000 | 12000 |
| қовунқоқи | 20000 | 20000 | 10000 | 15000 |
| ёнғоқ | 100000 | 100000 | 30000 | 60000 |
| бодом | 100000 | 100000 | 60000 | 90000 |
| ерёнғоқ | 50000 | 50000 | 20000 | 30000 |
| лимон | 125000 | 125000 | 40000 | 75000 |
| хурмо | 50000 | — | — | 30000 |

ЭСЛАТМА: юқорида кўрсатиб ўтилган бож миқдорлари 10 тоннагача бўлган маҳсулот бир марта четга чиқарилганда белгиланади, 10,1 тоннадан 20 тоннагача бўлганда бож миқдори 1,5 баравар, 20 тоннадан кўп бўлганда 2 баравар кўпаяди.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА 4-ИЛОВА

### БЕЛГИЛАНГАН МЕЪЁРЛАР БЎЙИЧА АҲОЛИГА ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ТАЛАБАЛАР, МАКТАБ ОШХОНАЛАРИ ВА БУФЕТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН СОТИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ ЎРТАЧА ЧАКАНА НАРХЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

| | ўлчов бирлиги | чакана нарх (бирлик учун сўм ҳисобида) |
|---|---|---|
| ўсимлик ёғи | кг | 40 |
| гўштнинг 1 тоифадаги барча турлари, 1 нав (парранда гўштидан ташқари) | кг | 200 |
| қаймоғи олинмаган сут *) | л | 20 |
| макаронлар | кг | 50 |

ЭСЛАТМА: *) — қаймоғи олинмаган сутни қанча бериш меъёри белгиланмайди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Сотиб олинаётган моддий-техника ва ёқилғи-энергетика ресурсларига қишлоқ хўжалигининг ҳаражатлари ортиб бораётганлиги муносабати билан ҳамда овқатбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларини, ижара фермер ва бошқа хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Чорва, сут, картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари асосий турларининг чегараланган харид нархларини ўзгартириш ва айрим озиқ-овқат молларининг чакана нархларини тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

1993 йилнинг 20 апрелидан бошлаб тирик вазндаги чорванинг чегараланган харид нархлари даражаси илгари белгиланганига нисбатан 1,9 баравар, сут — 1,7, картошка йил мавсумига қараб — 2,5—4,8 баравар, бошпиёз — 1,6, карам — 1,8, сабзи — 1,7—3 баравар, помидор — 1,3—1,9, олма — 4,2 баравар оширилди. Қуруқ мева ва майизнинг харид нархлари шартномавий асосга ўтказилди.

Харид нархларининг мана шундай оширилиши республиканинг жамоа хўжаликларига, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига шу йилнинг қолган 9 ойи ичида қўшимча салкам 30 миллиард сўм даромад олиш имконини беради, бу эса фақат давлат буюртмаси ҳажми ҳисобидангина бўлади. Давлат буюртмаси чорва ва сут учун харид ҳажмларининг 80 фоизи миқдорида, мева-сабзавот маҳсулоти учун 50 фоизи миқдорида белгиланган.

Маълумки, мева-сабзавот маҳсулоти ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида республикада шундай маҳсулотни янги ҳолида олиб чиқиб кетишга божлар жорий этилган. Мева-сабзавот маҳсулотларининг чегараланган харид ва шартномавий нархлари оширилганлиги муносабати билан божлар ҳам шунга мувофиқ равишда ошади.

Ҳамдўстлик мамлакатларида иқтисодий ва хўжалик алоқаларининг бузилиши республикага етказиб берилаётган озиқ-овқат хомашёси қимматлашувига сабаб бўлди, ҳамма жойда унинг тақчиллиги сезилмоқда. Масалан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари ва энг асосийси — қуруқ сут порошогини етказиб бериш камайди, бу эса, яъни қуруқ сут порошоги аҳолини айниқса қиш-кўклам фаслида қаймоғи олинмаган сут билан узлуксиз таъминлаб туришда жуда муҳимдир. Чунончи, республика МДҲ мамлакатларидан гўштнинг ҳар 1 килограммини 750 сўмдан сотиб олаяпти.

Чигитни қайта ишлаб ёғ олиш учун асосий таркибий қисмлар бўлмиш экстракция бензини, каустик сода, оқартирувчи гил, фильтрлаш матолари етказиб бериш ҳажмлари камайиб, айни вақтда уларнинг нархлари кўп карра ошиб кетди. Транспорт ва сотиш ишларидаги сарф-ҳаражатлар ортиб бормоқда.

Бу ҳол республикада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат молларининг таннархи ва табиийки, нархлари ўсишига таъсир қилмасдан қолмади. Айни шу боисдан 1993 йилнинг 20 апрелидан бошлаб белгиланган меъёрларда аҳолига сотиладиган ҳамда ишлаб чиқариш, талабалар, мактаб ошхоналари ва буфетларини таъминлаш учун 1 килограмм гўштга — 200 сўм, ўсимлик ёғига — 40 сўм, макарон маҳсулотларига — 50 сўм, шунингдек, қуйиб сотиладиган қаймоғи олинмаган сутнинг 1 литри учун 20 сўм қилиб чакана нархларнинг янги чегараланган миқдорлари жорий этилади.

Аммо чакана нархлар мана шундай оширилган тақдирда ҳам йилнинг бир чорагидагина гўшт ва сутга бериладиган жами ёрдам пули 12 миллиард сўмни ташкил этади, чунки ўзимизда етиштирилиб, аҳолига сотилаётган ҳар бир килограмм гўшт давлатга 500 сўмга, сут эса 33 сўмга тушмоқда.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда МДҲнинг кўпгина республикаларида гўшт, сут, ўсимлик ёғи ва макарон маҳсулотларининг чакана нархлари эркин қилиб қўйилган ва уларнинг даражаси республикамизда янгидан белгиланган даражадан анча юқори. МДҲнинг айрим давлатлари бўйича қуйида маълумотлар келтирилади.

| | гўшт | сут | ўсимлик ёғи | олий нав ундан тайёрланган макарон маҳсулотлар |
|---|---|---|---|---|
| | сўм (кг) | сўм (кг) | сўм (кг) | сўм (кг) |
| Тошкент | 200 | 20 | 40 | 55 |
| Москва | 627 | 98 | 328 | 151 |
| Киев | 725 | 72 | 226 | 100 |
| Олма-Ота | 460 | 64 | 470 | 195 |
| Санкт-Петербург | 648 | 69 | 367 | 136 |
| Бишкек | 350 | 62 | — | 146 |
| Кишинев | 672 | 10 | 168 | 190 |

# БУХОРОДА СЕЛ ВА БЎРОН

15 апрель куни тушга яқин бошланган сел, секундига 18—20 метр тезликда эсган кучли шамол Бухоро вилояти халқ хўжалигига жиддий зарар келтирди. Дастлабки маълумотларга қараганда, Жондор, Ромитан, Пешку, Шофиркон, Вобкент туманлари хўжаликларига 140 миллион сўмликдан ортиқ зиён етказилган. Вилоятда 48370 гектар пахта, 1341 гектар сабзавот, 313 гектар полиз майдонлари, картошка, маккажўхори ва беда экилган ерлар, шунингдек турар жой бинолари, бўрдоқичилик фермалари зарар кўрган.

— Барча туманларда мутахассислардан тузилган табиий офат оқибатларини тугатиш гуруҳлари ишламоқда, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда вилоят ҳокимининг муовини Ҳожиқурбон Жўраев. — Суғурта бошқармаси ходимлари кўрилган зарар миқдорини аниқламоқда. Кўп жойларда чигит қайта экилмоқда. Табиий офат оқибатларини тугатиш бўйича вилоят штаби деҳқонларни керакли техника ва ёнилғи билан таъминлаб турибди.

И. САФАРОВ,
**ЎзА мухбири.**

# МЎЪЖИЗА НЕЪМАТ

Нон ҳамиша одамзотнинг энг азиз ризқ-рўзи бўлиб келган. Дунёда бирон элат ва миллат йўқдирки, ноннинг нималигини билмаса, нон таъмини ҳузур билан ҳис этмаган бўлса. Ўзбек халқи учун эса нон неъматлар султони, қут-барака тимсолидир. Дастурхон усти минг турли лаззат ва ширали таомларга тўлиб кетган бўлса ҳам, унинг бир чеккасида нон турмаса, бундай дастурхон юлдузсиз осмондай жозибасиз бўлиб қолади. Бундан ташқари нон шундай ажойиб хусусиятга эгаки, у ҳеч қачон одамнинг меъдасига тегмайди, вужудига зарар етказмайди. Инсон лаззатли таомларга, ширин-шакар меваларга тўйиб қолиши мумкин, лекин у ҳеч қачон нонга тўймайди, ҳар гал янги иштаҳа билан истеъмол қилаверади.

Халқимиз меҳмонни зиёфат қилиб, олдига нон—туз қўйиш билан кифояланмай, унинг сафари қариб, уйига кетар чоғда иккитагина бўлса ҳам нон тутқазиб юборади. Бунинг асосий сабаби нон инсонга ҳамроҳ бўлса ҳамиша хавф-хатардан қутқаради. Шунинг учун ҳам меҳмонни кузатганда отахон-онахонларимиз «Ёлғиз кетманг, болам, ҳамроҳ бўлади», — дея унга нон тутқазиб юборадилар.

Ўғлини ҳарбий хизматга ёхуд ўқишга жўнатаётган муштипар она кечаси билан ухламай икки тандир нон, патир ёпади. Азонда фарзанди бағридан юлқиниб учиб кетар чоғида ана шу неъматларнинг бир қисмини унинг сафар халтасига жойлайди. Иккитасини ажратиб олиб икки қўллаб ўғлига тутади. Ўғил иккита нонни бир қилиб тишлайди-ю, оғзида шу тишланган нон билан қадрдон уйини тарк этади. Ўғли тишлаб кетган нонларни она уйнинг тўрига, тахмон тепасига осиб қўяди. Ва бу нонлар то фарзанд қайтиб келгунича туради. Бу ҳам халқимизнинг ўзига хос ақидаси, эътиқоди. Она қўллари билан ёпилган нонни тишлаб кетган ўғил қаерда бўлмасин, тишланган нонини қолдириб кетган уйга албатта соғ-саломат қайтиб келади...

Халқимиз «Нон бўлса бас, ўзгаси—ҳавас» деб бежиз айтмаган! Асал ҳар қанча ширин бўлса-да, уни нонсиз еёлмайсиз, аммо нонни асалсиз есангиз ҳам ўз шираси ва фойдасини йўқотмайди. Ана шу эътиқодга амал қилган халқимиз нонни увол қилмасликка, асраб-авайлашга ҳаракат қилади. Инсон ўз имонини қанчалик пок тутиши лозим бўлса, нонни ҳам шундай эъзозлаши керак.

Шарқда ва хусусан Ўрта Осиёда нонлар жуда қадимдан тайёрланиб келингани маълум. Ўзбек, тожик, қирғиз, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, ўғуз, уйғур, татар халқларининг тарихлари ана шу неъматнинг умри билан тенгдошдир.

Ўзбек нонлари асосан думалоқ, ўртаси текис, қирғоқлари бўртиб чиққан. Нонимизнинг бундай шаклини халқимизнинг ихтирочилик маҳсули деб атасак ҳам бўлади. Қадимда ҳозирги ликопча ва тақсимчаларга мос тушадиган идишлар бўлмаган, ҳатто лаган ҳам XI-XII асрларда пайдо бўлган. Халқимиз қадим замонларда ош, гўшт, мева-чева, қанд-қурсларни солиб тортиш учун нондан фойдаланганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек патирлари лаганга, оби нонлари ликопчага ва кулча-тойлари тақсимчага ўхшаб кетади. Аксари ўзбеклар ҳанузгача тўйларда майиз, ҳолва ва пашмакларни асосан патир ёки нонларнинг бетига солиб тортишади.

Халқимиз нонни севгани учун ҳам унинг юзлаб хилини кашф этган. Ва энг ажойиби шундаки, ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг ўз нони бўлади. Ўзбек халқи оби нон, гижда нон, патир нон, жиззали нон, гўштли нон, пиёзли нон, сўтли нон, ёғли кулча, лочира, қатлама, қатлама патир, чалпак, қозон патир, ширмой нон, қўшалоқ ширмой кулча, «ту—ту кулча», ширмой патир, «обу ҳолу олча гули», пўлодий, тароқ нон, қашқар патир, жўхори нон, зоғора нон, кунжут нон каби кўп нон ва патир хилларини ўйлаб чиқарган. Диёримизнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз, Хоразм, Фарғона ҳудудлари нон соҳасида айниқса ажралиб туради. Бу ҳудудларда ёпиладиган нон ва патирлар хуштаъмлиги, лаззатлилиги ва чиройлилиги билан шуҳрат топганлар.

Нон ва патирлар асосан тандирда, қозонда, товада ва ўчоқ кулида пиширилган. Бизнинг кунларимизга келибгина бу рўйхатга газ духовкасининг номи ҳам қўшилди. Ноннинг чиройли ва бежирим бўлиши катта аҳамият касб этади. Зеро, меҳмоннинг олдига пала-партиш ясалган, ғижим нонни қўйиш ярамайди. Новвойларимиз эса ушбу бекиёс неъматнинг ҳуснига ҳусн қўшишнинг турли йўлларини ўйлаб топганларки, натижада бундай нонлар қўйилган дастурхон гул-гул яшнаб, унинг атрофида ўтирган зотларнинг чеҳраси мунаввар бўлади. Чунончи, нон ва патирларнинг юзига чақич уришдан четларига седона сепишгача ва четларига турли нақшлар ўйишиб новвойларимиз юксак маҳорат мактабини намоён этганлар. Самарқандлик новвойлар қадим замонлардаёқ хамирни чилвир ҳолига келтириб, патирларнинг юз томонига турли ҳикматлар, байт ва рубоийлардан ёзишни кашф этганлар. Бундай ёзувлар асосан меҳмондўстлик, сахийлик ва одампарварлик хусусида бўлиб, уларни мезбон меҳмонларга яхши ниятлар билан тортиқ қилган.

Албатта, нон тушунчаси бутун дунёда битта маънони билдирса ҳам, унинг шакли ва хусусиятлари турли халқларда турличадир. Бинобарин, ўзбек нони билан рус нони, ҳинд нони билан инглиз нони бир-биридан мутлақо фарқ қилади. Дунёда калач, карават, «бурка нон», «аржиной нони», булка, булочка, батон, тешик кулча каби нон турлари мавжудки, уларни бутун дунё билади ва севиб истеъмол қилади. Ана шу рўйхатда Ўрта Осиёнинг мазаси оғизда қоладиган нон ва патирлари ҳам бешубҳа фахрли ўринга эгадир. Негаки, бу неъматларга Шарқ қуёшининг нури, Олой қорлари сувининг мусаффолиги, пок инсонларнинг дил ҳарорати сингган.

Ўзбек нони худди Қуёшга ўхшайди. У қуёшдек нурли, сахий, беғубор. Ўзбек нонининг юзидан таралаётган заррин ёғду пок ва улуғ халқимизнинг ҳар бир хонадонига, ҳар бир инсоннинг қалбига тозалик, саховат ва меҳр зиёсини сочаверсин!

**Матмурод МАТҚУРБОНОВ.**

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» НИНГ
«ҲОЖАТБАРОР»
ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ
МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
33-44-43, 32-54-44;
32-56-34, 32-56-25.
БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

## Муборакбод этамиз



Қадрли Турсунтош Садинов!

Корхонамизнинг аҳил жамоаси, ҳамкасбларингиз, ёру биродарларингиз номидан қутлуғ олтмиш ёшингиз билан қизғин ва самимий муборакбод этамиз. Узоқ йиллардан бери эл-юрт маъмурчилиги йўлида сидқидил меҳнат қилиб келаётганингиз, кўплаб шогирдлар етиштириб чиқарганингиз туфайли каттаю кичикнинг ҳурматини қозонгансиз. Жамоамиз маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга астойдил интилиб, яхши натижаларга эришаётган экан, бунга Сиз каби ўз касбининг усталари катта ҳисса қўшаётганлигини барча эътироф этади.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаб, барча эзгу орзуларингизга етишингизни ният қилиб қоламиз..

**Каттақўрғон наслли паррандачилик корхонаси жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси.**

## Қутлов



Ҳурматли Сайёра Халилова!

Сиз кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган Қарши ичимлик сув таъминоти ишлаб чиқариш бошқармаси, касаба уюшмаси қўмитаси барча ҳамкасбларингиз, дугоналарингиз номидан туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклайди. Ўзингизга топширилган вазифани доимо беками-кўст адо этишингиз, жонкуярлигингиз туфайли жамоамизнинг меҳру-муҳаббатига сазовор бўлгансиз. Бошқармамизнинг Қарши даштидаги еттита туман аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлашдек хайрли ишига Сиз билимдон оператор сифатида муносиб улуш қўшаяпсиз.

Келгусидаги ишларингизга муваффақият, ўзингизга бахт-саодат, доимо яхши кайфият тилаймиз.



# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ТЕХНИКУМИ**
«ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҲУҚУҚШУНОСЛИК» МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА
**1993—1994 ўқув йилига**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Кундузги бўлимга ўрта маълумотли йигит-қизлар, сиртқи бўлимга эса ўрта маълумотли, ижтимоий таъминот бўлимларида камида икки йил меҳнат стажига эга бўлганлар қабул қилинади.

**Ўқиш муддати кундузги бўлим учун икки йил, сиртқи бўлим учун эса икки йилу 5 ой.**

**Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топширишлари лозим: директор номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисида гувоҳнома, тиббий маълумотнома (086/У), 3х4 см. катталикдаги 4 дона сурат. Сиртқи бўлимга кираётганлар меҳнат дафтарчасидан кўчирмани тақдим этадилар.

Паспорт, ҳарбий билет ва ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

**Аризалар кундузги бўлимга 1 июндан 31 июлгача, сиртқи бўлимга 3 майдан 10 августгача қабул қилинади.**

**Кириш имтиҳонлари:** Тил ва адабиётдан (ёзма), Ўзбекистон халқлари тарихидан (оғзаки).

Кириш имтиҳонларини кундузги бўлимга кираётганлар 1 августдан 21 августгача, сиртқи бўлимга кираётганлар 11 августдан 20 августгача топширадилар.

**Мурожаат учун манзилгоҳимиз:** Тошкент шаҳри. Лутфий кўчаси, 47-уй, Телефон: 78-82-65.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ РЕСПУБЛИКА ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

1993—1994 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали ишчи кадрларни тайёрлайди: аёллар ва эркаклар устки кийимини тикувчи—икки йиллик гуруҳларга (ўғил ва қиз болалар), бюджет ҳисоби бухгалтери — бир йиллик гуруҳга (ўғил ва қиз болалар), радио-телевизион аппаратларни созловчи — бир йиллик гуруҳга (ўғил болалар), уй-рўзғор асбобларини созловчи — бир йиллик гуруҳга (ўғил болалар), тикув машиналарини созловчи — 1 йиллик гуруҳга (ўғил болалар), оёқ кийимларини тикувчи— бир йиллик гуруҳга (ўғил болалар), соатсоз усталар— бир йиллик гуруҳга (ўғил болалар).

Бир йиллик гуруҳларга ўн биринчи синфни битирган ўғил-қизлар қабул қилинади.

**Ўқиш даври узлуксиз меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.**

**Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Қабул қилинганларга стипендия берилади. Билим юртида ошхона, спорт зали, тиббий бўлим мавжуд.**

**Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юбориладилар.** Ҳужжатлар 15 майдан ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат тўққиздан ўн еттигача қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет, яшаш жойидан оила аъзолари кўрсатилан маълумотнома, соғлиғи ҳақидаги (086/У шакл) тиббий маълумотнома, ижтимоий таъминот бўлимидан йўлланма, 6 дона сурат (3х4), папка ва маркасиз конверт. Ногиронлар шу ҳақдаги ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим этадилар.

**БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ 700113, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Лутфий кўчаси (47-уй). 2, 33, 13, 29, 70, 77-автобуслар, 4, 9-трамвайларнинг «Кўзи ожизлар жамияти бекати». Телефонлар: 78-82-70; 78-82-72.**


# ҚАМОЛИДДИН КАМОЛИ



НАМАНГАН боғларида баҳор: қийғос гулга кирган, камалак ранг бутоқларда тонг билан, ифор билан булбуллар «чаҳ-чаҳ» қила бошлади. Атоқли санъаткор, элнинг эҳтиромига сазовор Камолиддин Раҳимовнинг ҳам эллигинчи баҳори Наврўз тантаналари билан қўшилиб келди. Наманган булбули ўзининг навқирон баҳорини, не бахтки, камолот чўққиларида туриб қаршиламоқда.

Узоқ-узоқларга дилларни сеҳрловчи оҳанрабо бир қўшиқ таралмоқда. Санъаткор қўшиқчининг соҳиран овозида қандайдир шира, жонфизо оҳанг, бир зумда кишини ўзига ром айловчи қудрат борки, тинглаган сайин киши вужудини ҳаяжон босади. Бу қўшиқ кўнглингизга мойдай ёқиб, дилга олам-олам завқ бағишлайди. Шунда сизга кўпдан таниш катта санъаткорнинг шаънига тасаннолар айтасиз. Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов бетакрор санъаткорлардан.

Табиийки, ҳар қандай камолот чўққисининг меҳнат ва заҳмат талаб пиллапоялари бўлади. Камолиддин Раҳимов ҳам ана шу изланиш заҳматларини босиб ўтди. Унинг таржимаи ҳоли ҳам жўшқин қўшиқларидай қисқа, мухтасар.

У Наманган пахта тозалаш заводининг ишчиси Қаюмжон ака хонадонида таваллуд топди. Онаси Сиддиқахон ая уй бекаси, ҳалол ва пок оиланинг соҳибаси эди. Улар тўрт қиз ва уч ўғилни покдомон руҳда тарбиялашди. Камолиддин хонадоннинг учинчи фарзанди бўлиб улғайди. Таниқли санъаткор ҳозир етти нафар фарзанднинг отаси, ширин-шакар невараларнинг суюкли бобоси. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, Камолиддин ҳам раҳматлик ота-онасининг тарбия анъанасини давом эттирмоқда.

У санъатга илк қадам қўйган йилларини шундай эслайди:

— Айтишларича, бизнинг авлодда санъаткор бўлмаган. Аммо онамнинг тоғаси мулла Абдуғаффор ўзича қўшиқ хиргойи қилиб, дутор чалиб юрган, дейишади. Балки мендаги санъатга ошуфталик тоғамдан юққан бўлса ажаб эмас. Эсимда, калтакка ип тортиб, дутор қилиб чалиб юрардим. Қўшиқни ҳам болаликдан айтганман...

Камолиддин биринчи қўшиғини Наманган истироҳат боғидаги катта даврада айтганини куни кечагидек эҳтирос билан эслайди. У ўшанда ўн тўрт ёшда эди. Санъатсевар халқ олдидаги биринчи имтиҳондан яхши ўтди, Камолиддин ўз овози, ўз сози борлигини намойиш этди.

У мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ мусиқа тўгарагига қатнашиб, Жўра машшоқ Бойхоновдан кўп нарса ўрганди. Бирон-бир анжуман ёки бошқа давралардами қўшиқчиларнинг йиғилганини ё келганини эшитса, ўша ерда ҳозир бўлди, қўшиқларини жон қулоғи билан тинглаб, яхши қўшиқни ўрганиб олишга интилди.

Ёш Камолиддин ўрта мактабни битиргач, шаҳар маданият бўлими клубида музика раҳбари бўлиб иш бошлади. 1961 йили шаҳар маданият уйи қошида ашула ва рақс ансамбли тузилгач, у ерга ишга ўтди. 1971 йилгача шу дастага бадиий раҳбарлик қилди. Мана, қарийб 22 йилдирки, Наманган вилоят театрининг яккахон қўшиқчиси сифатида элга хизмат қилиб келмоқда. «Катта саҳнадами, оддий одамлар даврасидами, ҳаттоки тўйдами эл сени ҳурматлаб, эъзозласа — шу бахт, — дейди Камолиддин. — Ҳар қандай санъаткорнинг қўшиғи — халқ учун! Ардоқли элимни қўшиқларим билан хушнуд этаолсам — бахтиёрман!».

Улуғлар раҳматию дуосини олган киши кам бўлмайди. Шу маънода Камолиддин ҳам ўспиринлик пайтида Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Муҳаммаджон Мирзаев, Фахриддин Умаров, Комилжон Отаниёзов, Қувондиқ Искандаров, Жуманазар Бекжонов, Олмахон Ҳайитова сингари таниқли санъаткорларнинг даврасига қўшилиб, дастёрлик қилган. Улардан санъат сирларини, ижро услубларини, санъаткорга хос лутфу маданиятни ўрганди. Бундан ташқари Насриддин Мажидов, Ваҳобжон Абдуллаев, Жўрахон Бойхоновлардан бевосита қўшиқ айтиш, тор чалишнинг ўзига хос йўл-йўриқларини кунт билан эгаллади.

— Устозларимга ҳамиша таъзимдаман, — дейди Камолиддин Раҳимов суҳбатларда.

Чет эл сафарларида санъаткорнинг қўшиқлари кўп бор янграган. 1967—68 йилларда биринчи бор Болгарияда қўшиқ айтди. Афғонистонда, Шотландия, Канада, Америка каби мамлакатларда ўзбек миллий қўшиқчилик санъатини намойиш этди. Айниқса Японияга — «Буюк ипак йўли» санъаткорлари анжуманига сафари ғоят мароқли кечди. Ҳа, яхши қўшиқ сарҳад билмайди.

Камолиддин ўзбек классик қўшиқларига, инсон қалбининг беназир туйғусига айрича масъулият билан ёндошади. У ҳозирги замон ўзбек шеъриятининг вакиллари ижодига ҳам тез-тез мурожаат этяпти. Чустий ва Шўхий домлалар билан ҳамкорлиги устивор эди. Ҳозирда Ҳабиб Саъдулла, Абдуқаҳҳор Ғаффорий, Нормурод Нарзуллаев, Тўра Сулаймон ва ёш ижодкорлардан Зиёвуддин Мансуров, Раҳбарой Баҳромовалар билан ўзаро ижодий мулоқот ўрнатган.

Санъаткорнинг Ўзбекистон радиоси фонатекасида, Тожикистон радиосида бир юзу ўттиздан ортиқ қўшиқлари бор. Жами ижро этган қўшиқлари эса тўрт юзга яқин. Унинг бастакорлик иқтидори ҳам бор. Қўшиқларининг деярли саксон фоизига унинг ўзи куй басталаган. Жакбархон Умаров, Саидхўжа Холдорхўжаев каби устозлари ҳам Камолиддиннинг эл суйган қўшиқларига куй басталаб бериб туришади. Шунингдек хизмат кўрсатган артист Турдиали Саъдуллаев билан ҳамкорликда қўшиқлар яратмоқда.

Таниқли санъаткор ёшларнинг ижодига, санъатига меҳр билан қарайди. У Ғиёс Бойтоевнинг ижрочилик йўлини, Маъмуржон Тўхтасиновнинг овозини, Эркин Рўзиметов, Муҳриддин Холиқов, Охунжон Мадалиев ва бошқаларнинг иқтидорини қадрлайди. «Лекин,— дейди у, — кейинги пайтларда ёшлар айтаётган кўп ашулаларнинг куйи бир қолипга тушиб қолаётгандай...».

Борди-ю ундан «Санъат шайдоларининг меҳрини қозонишингиз сири нимада?», деб сўраб қолсангиз, у шундай жавоб беради:

— Ўз устида кунт билан ишлашда, изланишда. Қолаверса оила аъзоларимнинг менга хайриҳоҳлиги. Рафиқам Кифоятхон менга суянч, маслакдош. Тўрт ўғил, уч қизим — қанотларим. Менинг энг қудратли қанотим борки, бу— халқимдир!

**Шаҳзодахон ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ,**

## КАСБИ ОДДИЙ, ХИЗМАТИ ОЛИЙ

Қизириқ туманидаги «Янги йўл» давлат хўжалигида яшовчи кишилар ҳар куни 82—07 номерли, кўк рангли «Москвич» маркали автомашинани сабрсизлик билан кутадилар. Чунки бу машина хўжалик аҳлига маданият, маърифат, маънавият элтади. Мана бугун ҳам ана шу машина хўжалик марказига келиб тўхташи биланоқ, уни одамлар қуршаб олди. Машинадан сочлари оқарган, жиккакгина киши, яъни Холбой почтачи чиқиб машина юкхонасини очди. Ундаги бир талай ойнома ва рўзномалар эгалари қўлига мунтазир бўлиб турарди.

Дарҳақиқат, почтальон Холбой Шойимқуловнинг машинасини одамлар «Маданият машинаси» деб аташади. У ана шу машинасида «Бобур» алоқа бўлимидан рўзномалар ташиётганига ҳам етти йил бўлибди. Хўжалик аҳли эса унинг намунали почта хизматидан миннатдор. Ҳ. Шойимқулов 300 нафардан ошиқ обуначи, 100 нафар нафақачиларнинг рўзнома ва ойномаларни, пулларини ўз вақтида қўлларига тутқазмоқда.

Бунинг учун уни айниқса қариялар «Умрингдан барака топ» деб дуо қилишмоқда. Кексалар дуоси руҳнинг посбони эканлигини яхши англаган Холбой хизмат маданиятини янада такомиллаштирмоқда.

**Т. ЭШКЕЛДИЕВ.**

* * *

Эндирбой Матниёзов Қорақалпоғистон Республикаси Амударё районидаги тажрибали почтальонлардан биттаси. У 1974 йили «Қипчоқ» давлат хўжалигининг марказий қўрғонига жойлашган «Чойқўл» алоқа бўлимида почтальон бўлиб иш бошлаган. Ўшандан буён ўн тўққиз йил бўлибдики, ўзининг ишини виждонан бажариб келмоқда.

У боқувчисидан ажралган, кўп болали, пенсия пули билан яшаётган ногиронлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг нафақаларини биринчи навбатда олиб бориб беришга ҳаракат қилади. Рўзнома ва ойномаларни, аҳолига келган хат, хабарлар ўша куни эгаларига тегади. Шу боис хўжалик аҳли ундан миннатдор.

**Х. ОТАМУРОДОВ.**



Тоғлар бағрида жойлашган Хумсон шифохонасидаги ушбу фаввора оромгоҳга ҳусн қўшган.

И. ПОРТНОВ олган сурат.

## АҲОЛИ МАМНУН

«Андижантранс» ишлаб чиқариш бирлашмасида яна бир янги — 27-сонли автокорхона ишга туширилди. Автокорхона бош муҳандиси Мирзакарим Мирзаабдуллаевнинг маълум қилишича, бу автокорхонани бунёд этиш учун 34 миллион сўм ажратилганди. Шундан ҳозирги кунгача қарийб 21 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Жамоада 500 дан ортиқ тажрибали ҳайдовчилар ишламоқда. Автокорхона биноси замонавий бўлиб, ҳайдовчиларнинг унумли меҳнат қилишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Жамоа ҳайдовчилари асосан район, шаҳарлараро йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишади. Жумладан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Жиззах сингари вилоятларга мунтазам қатнашмоқда.

**У. МУҲАМЕДОВ.**

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

**Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ, (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовошчвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.**

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—170. 31830. нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 22.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.